

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»
(«М А Ъ Қ У Л Л А Н Г А Н»)

Кузатув кенгаши томонидан
(ёки акциядорлар/иштирокчилар умумий
йиғилиши/таъсисчи томонидан)
2023 йил «09»Ноябрдаги
6-сонли баённома

Кузатув кенгаши раиси
_____Э.Мирзоалиев

«Қўқон дон маҳсулотлари» АЖнинг
(ташкilot номи)

2024 йил учун

Б И З Н Е С Р Е Ж А С И

Идоравий мансублиги

“Ўздонмахсулот”АК

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

quqondon_uz@mail.ru

СТИР

200918322

Бошқарув Раиси

А.А.Усмонов

Бош бухгалтер

А.Э.Қосимов

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);*
- 1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари;*
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;*
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;*
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;*
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;*
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими*

II. Корхонани ислоҳ қилиш

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;*
- 2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;*
- 2.3 Ислоҳ қилишнинг 2024 йил учун режаси;*

III. Бозор ва маркетинг режаси

- 3.1 Бозор таҳлили*
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби*
- 3.3 Рақобат*
- 3.4 Маркетинг режаси*

IV. SWOT-таҳлили

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

- 5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаиш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати*

VI. Кўрсаткичлар

6.1 Ишлаб чиқариш режаси

- 6.1.1. Хомашё захираси;*
- 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари*
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати*
- 6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси*

6.2 Молиявий режа

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар*

6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)

6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (наرخлар прогнози)

6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш.

6.2.5 Пул оқимлари прогнози

6.2.6 Молиявий барқарорлик, ликвидлик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки

6.2.7 Давлат бюджетига тўловлар прогнози

6.2.8 Молиявий кўрсаткичларнинг ўхшаш корхоналар билан солиштирилиши (бенчмаркинг)

VII. Иш ҳақи тўлаш тизими

VIII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)

X. Маҳаллийлаштириш

XI. Инвестиция лойиҳалари

XII. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш

XIII. Экология ва атроф муҳитга таъсири

XIV. Иловалар

14.1 Маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ҳажми

14.2 Таннархни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар

14.3 Кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб боровчи тартибда чорақлар кесимида)

14.4 Даромадлар ва харажатлар сметаси (бюджети)

14.5 Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Корхона тўғрисида маълумот, корхона паспорти

№	Кўрсаткичлар номи	Маълумотлар
1	Жамият номи	«Қўқон дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти;
2	Ташкилий-ҳукукий шакли	Акциядорлик жамияти
3	Тармок	Донни қайта ишлаш ва ун ишлаб чиқариш
4	Регион/вилоят,шаҳар,туман/	Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар
5	ЮРИДИК МАНЗИЛИ	Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти Қўқон шаҳар, Қўдуклик 27
6	БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ	Р/с20210000100221789001; МФО 00546; СТИР 200918322; АТБ «АГРО банк» Қўқон шаҳри филиали.
7	Телефон	543-51-11
8	Факс	543-46-38
9	Электронная почта	Email: quqon_uz don@mail.uz
10	Рахбар	Усмонов Аббос Анварович
11	Жами территория /гектар/	20,7
12	Ишлаб чиқариш майдони /гектар/	9
13	Хусусийлаштириш санаси	Қўқон шаҳар ҳокимлигининг 1995 йил 27 февралги 268 - сонли қарори билан акциядорлик жамиятига айлантирилган

14	Хусусийлаштирилган даврда низом жамгармаси /минг сўмда/	917562.8
15	Хар бир акция номинал қиймати /сўмда/	700
16	Устав жамгармаси тулдириш санасида /минг сўмда/	
17	Хар бир акция номинал қиймати /сўмда/	700
18	Жами акциялар сони /дона/	1310804
19	Охирги эмиссия рисоласида низом жамгармаси жойлашиши	
	-Уздонмахсулот”АК улуши / % /	64.34 %
	- бошқа акциядорлар улуши / % /	35.66 %
20	Жорий жойлашув. Тўлдириш санасида низом жамгармаси	
	-Уздонмахсулот”АК улуши / % /	64.34 %.
	- бошқа акциядорлар улуши / % /	35.66 %
21	Молиявий ахвол/барқарор. банкрот олдида бўлган,банкрот/	Барқарор
22	Соф фойда 2023 йил якунида	652285

Ушбу бўлимда корхона тўғрисидаги асосий маълумотлар, жумладан, фаолият йўналишари, мақсади, умумий ҳолати, корхона фаолиятини яхшилаш бўйича кўрилатган чоралар ва бошқалар ёритилади.

Шунингдек, корхонанинг паспорти кўрсатилади: умумий ер майдони;	20,7
бино-иншоотлар майдони;	11,7
ишлаб чиқариш майдони;	9
инфратузилмаси;	
ишчилар сони;	374
ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури;	Ун ва Омукта ем
асосий хомашёси;	бугдой

1.2. Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари

Корхонанинг ривожланиш тарихи, сўнгги йилларда эришган ютуқлари, амалга оширилган муҳим ишлар, корхона фаолиятида муҳим бурилишлар содир этилишига сабаб бўлган омиллар ёки фаолияти ёмонлашишига олиб келган омиллар кўрсатилиши лозим. “Қўқон дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкини боқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг 1994 йил 7-декабрдаги № 735-к-ПО сонли буйругига асосан таъсис этилган. 1994 йил 16 декабр куни жамиятга 776-сонли ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилган ва 1995 йил 27 феврал куни Фарғона вилоят Адлия бошқармасида 353 рақам билан Давлат руйхатидан ўтказилган.

2005 йил 1 июл куни қайта рўйхатдан ўтиб жамиятга МОО 15-7-сонли мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилган ҳамда Фарғона вилоят Қўқон шаҳар ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2022 йил 02 август куни А-19/531369-сон билан қайта руйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сонли қарорининг 3-иловасига киритилган “Қўқон дон маҳсулотлари”АЖнинг янгилаш ва тарнсфармация қилиш электор энергияни тежовчи тегирмон ускуналари урнатиши ҳисобида қайта жихозлаш амалга оширилди 2022 йил Туркия давлатининг “ALAPALA” корхонасида тегрмон ускуналари ва жихозлари олиб келиб урнатилди.

1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш ҳолати кўрсатилади. Бунда корхонанинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб, қувватидан фойдаланиш даражаси (фоизи), шунингдек, маҳсулотлар кесимида, мавжуд қувватдан максимал даражада фойдаланишга эришиш имконини бермаётган омиллар, уларни бартараф этиш бўйича кўрилатган чоралар батафсил ёритилади.

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2022 й.	%	2023й.	%
1.	Ун	Тн	85875	45757	53,2	22779	49,7
2.	Омихта ем	Тн	40700	26167	64,2	10099	38,5
3.	Нон	Тн	2495	1097	43,9	570	51,9
4.	Макарон	Тн	3610	422	11,6	259	61,3
жами							

1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

Корхонанинг ташкилий тузилмаси (схема)

Хозирги кунга келиб жамиятда доимий ишловчилар гуруҳига кўра 374 киши улардан :

№	гуруҳлар	Микдори
1.	Рахбар ва булим бошлиқлари	6
2.	Мутахассислар	3
3	Хизмат кўрсатувчи ходимлар	118
4	Техник ходимлар	41
5	Асосий (ишлаб чиқариш) ходимлари	180

Маъмурий бошқарув ходимлари

Бизнес режада кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларни бажарилишида бошқарув ва мутахассис кадрлар категорияси моддий техника ресурсларидан оқилона ва тўғри фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқа хизматларни тўғри ташкил қилиш. Бухгалтерия хисоботини тўғри юритиш, сарф харажатларнинг меъёр кўрсаткичларидан ортиб кетишига йўл қўймасликни назорат қилиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, молиявий, иқтисодий, маркетинг ва бошқа мониторинг хизматларини бошқариб боради.

Акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари: Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижро органи ҳисобланади.

Бошқарув кенгашига - устав буйича бошқарув раиси., ишлаб чиқариш бўйича директор ва молия ва сотув бўйича директор, бош ҳисобчи.

Корхона ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси (схема)

№.	Фамилияси ва исми шарифи	Иш лавозими
1	Аббос Усмонов	Бошқарув раиси
2	Ойбек Собиров	Ишлаб чиқариш бўйича директор
3	Ахрор Мамажонов	Молия ва сотув бўйича директор
4	Аскаржон Қосимов	Бош ҳисобчи

Корхона тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати:
(инвестициялари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тузилмалар, филиаллар)

Т/р	Фамилияси ва исми шарифи	Иш жойи, лавозими
1	Мирзоалиев Элёр Сафар ўғли	“Ўздонмахсулот” АК Стратегия бўлими бошлиғи
2	Исломов Шўхрат Қадирович	“Ўздонмахсулот” АК инвестиция ва янги технологияларни жорий этиш бошқармаси етакчи мутахассиси
3	Меликов Убайдулло	“Ўздонмахсулот” АК етакчи мутахассиси
4	Рахматов Баходир Норқобулович	“Ўздонмахсулот” АК бошқарув раис ёрдамчиси
5	Игамкулов Азиз Абдурасулович	“Ўздонмахсулот” АК АТ етакчи мутахассиси
6	Тураджанов Саидахмад Анварович	“Ўздонмахсулот” АК Стратегик режалаштириш бошқармаси бош иқтисодчиси
7	Носиров Жавохир Жаҳонгир ўғли	“Қўкон дон махсулотлари” АЖ акциядори

1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя

Ушбу бўлимда корхона ва унинг тизимидаги ташкилотларда кадрлар сиёсати қай тарзда йўлга қўйилгани кўрсатилади. Жумладан:

- корхонадаги жами штат бирликлари;
- иш ўрни;
- ходимлар сони-637;
- уларнинг малакаси тўғрисида маълумотлар;
- ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи-хизматчилар, бошқарувдаги ходимлар, техник ходимлар сони;
- ходимларни ишга қабул қилиш тартиби;
- малака талаблари;
- ходимлар малакасини ошириш чора-тадбирлари, унга сарфланган маблағлар;
- тор доирадаги мутахассислар, алоҳида ютуқларга эришган ходимлар тўғрисида маълумот;
- ишчи-хизматчиларнинг ўртача сони ва улар сонининг сўнгги йилларда ўзгариши;
- кадрлар қўнимсизлиги.

Бундан ташқари, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар, соғлиғини тиклаш, (ижтимоий пакет) ва бошқалар.


Шунингдек, ушбу бўлимда корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида батафсил маълумот келтирилиши лозим. Жамият Кузатув кенгаши ва ижроия органининг малакаси, салоҳияти, уларнинг меҳнат фаолияти тўғрисида қисқача маълумот кўрсатилиши лозим.

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.	Мирзоалиев Элёр Сафар ўғли	кузатув кенгаши раиси	Акциядорлар: ▪ Йирик акциядорлар – 64.34% (843406 дона акция) ▪ Юридик шахслар – 3.28% (43002 дона акция) ▪ Жисмоний шахслар – 32.38% (424396 дона акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
2.	Мирзоалиев Элёр Сафар ўғли.	“Ўздонмахсулот” АК Стратегия бўлими бошлиғи кузатув кенгаши раиси.(2020 йилдан)	
3.		“Ўздонмахсулот” АК инвестиция ва янги	

	Исломов Шўхрат Қадирович	технологияларни жорий этиш бошқармаси етакчи мутахассиси кузатув кенгаши аъзоси.(2020 йилдан)	
4.	Меликов Убайдулло	“Ўздонмахсулот” АК етакчи мутахассиси кузатув кенгаши аъзоси.(2022 йилдан)	
5.	Рахматов Баходир Норқобулович	“Ўздонмахсулот” АК бошқарув раис ёрдамчиси кузатув кенгаши аъзоси.(2020 йилдан)	
6.	Игамкулов Азиз Абдурасулович	“Ўздонмахсулот” АК АТ етакчи мутахассиси кузатув кенгаши аъзоси.(2020 йилдан)	
7.	Тураджанов Саидахмад Анварович	“Ўздонмахсулот” АК Стратегик режалаштириш бошқармаси бош иқтисодчиси кузатув кенгаши аъзоси.(2020 йилдан)	
8.	Носиров Жавохир Жохонгир ўғли	“Қўқон дон махсулотлари” АЖ акциядори	
III. Ижроия органи			
9.	Усмонов Аббос Анварович	Бошқарув раиси (Бош директор, директор), (2020 йилдан)	
10.	Собиров Ойбек Акрамович	Бошқарув раисининг ишчлаб чикариш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (2020 йилда)	
11.	Мамажонов Ахрор Сотволдиевич	Бошқарув раисининг молия масалалари бўйича ўринбосари (2017 йилда)	

“Қўқон дон махсулотлари” акциядорлик жамиятининг акциялар эмиссияси Фаргона вилояти Кимматли коғозлар бозорининг фаолиятини назорат қилиш

бўлимида 2015 йил 22 январ куни № А 2015-2 ракам билан руйхатга олинди Эмиссия рисоласига кура “Қўқон дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти 917562,8 минг сумлик Низом жамгармасига эга ва у 1307102 дон оддий номи 3702 дон имтёзли ёзилган акцияга бўлинган. ҳар бир акциянинг номинал киймати 700 сум. Жамиятнинг мулкида Давлат улуши 64,34 фоиз , юридик шахс 3,28- фоизни, Жисмоний шахс 32.38-фоизни ташкил қилади.



1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички бозорга мўлжалланган бўлиб, Наманган вилояти аҳолиси ҳамда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўзимизда ишлаб чиқарилган ун маҳсулоти билан таъминлашга хизмат қилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизга етарли даражада харидорлар мавжуд ва тўлиқ қамровда сотиб олинишига талаб етарлидир. Халқаро бозорда экспорт қилинмайди.

1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

Жамият томонидан сифат масаласига жуда катта эътибор берилиб ҳар куни ишлаб чиқариш лабораторияси томонидан маҳсулот сифати таҳлилдан ўтказилади.

“Қўқон дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти чиқариладиган барча маҳсулотларга Давлат Стандарт Кумитаси томонидан ДАВЛАТ СИФАТ МУВОФИКЛИ СЕРТИФИКАТИ берилган Корхонада бошқарув тизими менежменти жорий этилиб, ISO 9001 сертификати олинган. ISO 50001 халқаро стандартига мувофиқ энергия менежменти ва ISO 22000 халқаро стандартига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимларини жорий этилган.

II. Корхонани ислоҳ қилиш

2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-майдаги ПҚ-262-сонли “Ҳаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг

қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30-майдаги 284-сонли **“2022 йил ҳосилидан буғдойни харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида. яъни қишлоқ хўжалигида, асосан ғалла харид қилишда Давлат буюртмасини тўлиқ бекор қилиш ва тўлиқ бозор механизмларига ўтиш, қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан етиштирилган дон маҳсулотларини 2022 йил 01-июлидан бошлаб, тўлиқ Республика товар хом-ашё биржаси савдолари орқали харид қилиш тартиби жорий қилганлиги сабабли, ун ва омихта ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эркин биржа савдолари орқали сотилган ҳажмлар даражасида амалга оширилади. Жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш маҳсулотларидан - ун маҳсулотлари ўзининг салмоғи бўйича биринчи ўринда туради. Корхонадаги тегирмонининг мавжуд ишлаб чиқариш қуввати бир суткада 350 тонна буғдойни қайта ишлашга мўлжалланган. Тегирмон 2022 йилда Туркия давлатининг замонавий **“Alapala”** технологик дастгоҳлари билан тўлиқ реконструкция ва модернизация қилинган. Тегирмон биринчи навли, витамин-минерал қўшимча билан бойитилган ун маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари истеъмолчиларга 45 ҳамда 50 ҳамда 25 килограмли полипропилен қопларда қадоқланган ҳолда етказиб берилмоқда

2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28-январдаги ПҚ-106-сонли **“Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15-ноябридаги ПҚ-10-сонли **“Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18-мартдаги ПҚ-168-сонли **“Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги Қарорларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, ғалланинг керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига инвестициявий жозибадорликни ошириш, ғалла донини биржа савдоларида чекловларсиз сотишга имкон яратиш мақсадида 2021-2022 йилларда “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги дон корхоналарини ғаллачилик кластери ташкил этиш таклифини билдирган тадбиркорлик субъектларига сотиш учун баҳолаш ва фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шартида очик

савдоларга қўйиш; “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги дон корхоналарига тегишли 20 та уруғлик дон тайёрлаш цехларини ушбу корхоналарнинг солиқ ва Жамғарма олдидagi қарздорлигини (улар бўйича ҳисобланган пенялар, шунингдек, объектни ўтказиш натижасида юзага келадиган солиқларни ҳам инобатга олган ҳолда) объектнинг баҳоланган қиймати миқдorigа камайтириш ҳисобига Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш ва тўлиқ модернизация қилиш белгиланган. Юқорида кўрсатилган Қарорлар талабларига асосан, “Қўқон дон махсулотлари” АЖга қарашли барча объектлар, бино ва иншоотлар, асосий воситалар, товар моддий қийматликларни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини Бошқариш агентлиги томонидан баҳолаш ва оммавий биржа савдолариги чиқариш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

2.3 Ислоҳ қилишнинг 2024 йил учун режаси

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1. Бозор таҳлили

Корхона махсулотлари (хизматлари)нинг асосий бозори тўғрисида маълумотлар, бозордаги талаб, бозорда кетиши мумкин бўлган махсулотнинг максимал ҳажми ва бозорни кенгайтириш бўйича истикболдаги режалар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Бунда, махсулот (хизмат)лар кесимида бозордаги нархлар, уларнинг ўсиш ва пасайиш прогнозлари тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш талаб этилади.

Махсулот (хизмат)ларнинг сотиш тартиби ва махсулот бозори билан боғлиқ бошқа маълумотлар кўрсатилиши лозим.

3.2. Махсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

Ишлаб чиқарилган махсулот (хизмат)ларнинг асосий истеъмолчилари, уларнинг таркиби ва гуруҳлари тўғрисида маълумотларни гуруҳлаш. Бунда:

- асосий истеъмолчилар таркиби, уларнинг салоҳияти;
- йирик истеъмолчилар талаби;
- охирги истеъмолчи ким экани ва ҳ.к.

3.3. Рақобат

Корхонанинг рақобатчилари (республика ичида ва ташқарисида) тўғрисида, уларнинг сони, ишлаб чиқариш ҳажми, махсулотлари нархи, бозордаги улуши, уларнинг махсулотлари билан корхона махсулоти ўртасидаги фарқ, устунлик томонлари ва бозордаги рақобат билан боғлиқ бошқа маълумотлар кўрсатилади.

3.4. Маркетинг режаси

3. Жамият маркетинг хизмати доимий равишда ички бозорни мониторинг қилиб, ишлаб чиқарилаётган махсулот миқдори, сифати ва турларини истеъмолчилар талабига мос келишини таҳлил қилиб боради.
4. Ҳозирги бозор иқтисодиётида ҳар бир корхонанинг таниқли номи(бренди)

бўлгани каби бизнинг корхонамиз 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб янгича дизайнли қопда “Олтин Ўрда ” номли ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, биржа савдоларига орқали сотилиши йўлга қўйилди. Ушбу маҳсулот ижтимоий тармоқларда ҳамда корхонанинг ўз сайтида реклама сифатида жойлаштириб борилмоқда.

5. «Қўқондонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга нарх белгилашда ҳақиқий харажатлар таҳлил қилиниб, ун маҳсулотлари, омухта ем, уруғлик буғдой маҳсулотларининг таннархи режалаштирилган калькуляция асосида амалга оширилади. Бунда келгуси даврлардаги кўзда тутилган харжатлар ҳам инобатга олиниб, нархлар белгилаб борилади.

IV. SWOT-таҳлили

Жамият фаолияти самарадорлиги нафакат ички имконият ва бор ресурслардан оқилона фойдаланишни, балки ташки муҳит омиллар таъсирини ҳам инобатга олиши керак.

Бозор иқтисодиёти ривожланган сари Жамиятлар кутилмаган вазиятлардан чикиб кетиш, фойдалиликни йукотмаслик ва ракобатга бардош бериш учун бизнеснинг ташки муҳитини яхши урганиши керак. Чарльз Дарвиннинг эволюция назарияси асосида ҳар бир ташкилот узининг муҳитига мослашиши зарурдир.

Агарда ташкилот атроф муҳитдаги бўлаётган узгаришларга мослаша олмаса, унда ташкилот ракобатчилар томонидан сиқиб чиқарилади ёки инкирозга учраши мумкин. Маълумки, ресурслар чегараланганлиги туфайли ташки муҳитдан хоҳлаганча ва хоҳлаган муддатда етарли даражада ресурс олинмаслиги мумкин. Шу сабабдан ташкилот фаолиятини белгилагандан олдинроқ стратегик масалаларни ҳал этишни назарда тутиш керак. бунинг учун раҳбарлар ташкилотнинг узини билишидан ташқари ташки муҳитдаги бўлаётган узгаришларни ҳам кузатиб юриши керак.

Кутилмаган вазиятларни ташкилот фаолияти ва унинг самарадорлигига акс таъсирини пасайтириш учун ташки муҳитни кузатиб туриш тизими ишлаб чиқилиши зарурдир. Ушбу тизимнинг асосий мақсади махсус назоратларни олиб бориш натижасида ташкилотга таъсир курсатувчи омилларни акс таъсирини камайитириш ва уларни олдини олиш, ракобатчилардан уз иш стратегияси ишлаб чиқишдан иборат. Махсус кузатишларни олиб бориши турли услублар билан олиб борилади. Улардан энг ривожлангани куйидагилардан иборат :

- ❖ китоблар, журнал ва бошқа босма ахборот воситаларидаги материалларни таҳлил этиш;
- ❖ касбий анжуманларда катнашиш ;

- ❖ Жамият фаолиятини ташкил этиш, тажрибасини урганиш ва тахлил этиш;
- ❖ ташкилот ходимлари фиркларини урганиш;
- ❖ ички ташкилий мажлис, йигилиш муҳокама қилишни ташкил этиш.

Албатта, микромухит тахлил этиш тизими самара бериши юқори раҳбариятнинг куллаб қувватлашга ҳамда ички мухитдаги олиб борилаётган тадбирлар билан узвий боғлиқликда бўлгандагина булади. Шу сабабдан ташкилотнинг кучли ва заиф томонларини чуқур билган ҳолда ташки мухитдаги бўлаётган узгариш тенденцияларига мувофиқлаштириш керак.

Жамиятнинг кучли томонлари қуйидагилардан иборат: маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча коммуникация (электр тармоқлари, газ тармоқлари, сув, сув оқава, ва бошқа тармоқлар)га уланган. Темир йўллари, автомобил йўллари мавжуд. Ҳом ашени тушуриш учун темир йўли ва автомобил транспорти орқали қабул қилиш имконияти мавжуд.

Жамиятнинг кучсиз томони, рақобатчи ишлаб чиқарувчиларда ишчи кучи жуда кам бўлиб, оптималлашган, ҳудудни сақлаш харажатлари (мол мулк солиғи, ер солиғи) тўловлари жуда кам, маҳсулот таннархи арзонлашиши сабабли биздан устунликлари мавжуд. Биржада ҳам ашёни харид қилиш орқали устун мавқеёга эга.

V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

2024-йил Энергияни тежаш корхонанинг иқтисодий ривожланиши учун энг муҳим устувор юналишларидан биридир. Бугунги кунда электр энергияга бўлган талаб юқори ва электрэнергия самарадорлигининг пастлиги корхона ривожига жиддий тусиқ ҳисобланади. Кўрилаётган чора-тадбирлар корхонанинг электр энергия сарфини сезиларли тарзда камайтирилишига эришилмоқда.

№	Мухандислик коммуникация тармоқларининг мавжудлиги ва таъминланганлиги		
1	Трансформатор подстанцияси		Мавжуд
2	Газ таъминоти		Таъминланган
3	Сув ва канализация тармоғи		Уланган
№	Ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг қутилиши		
	Ресурс номи	2023йил	2024 йил
1	Электр энергияси	6500,0 минг кВт/соат	6200,0 минг кВт/соат

2	Табиий газ	95,6 минг куб/метр	91,6 минг куб/метр
3	Ичимлик суви	220 минг куб/метр	205 минг куб/метр

2024 йилда корхона электр энергия сарфини камайтириш бўйича бир қатор чора тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Корхонанинг ун ишлаб чиқарувчи тегирмон цехи бир ойда 4783 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга, бир ойда ишлаб чиқариш ўртача 3500 – 4000 тонна унни ташкил қилишини инобатга олиб тегирмоннинг ойлик иш кунларини 2 кунга қисқартириш ҳисобига 170.0 минг кВт.соат электр энергия иқтисод қилиш;
- Жамиятда мавжуд реактив компенсация қурилмаларини реконструкция қилиш эвазига 49491 кВт электр энергия иқтисод қилиш;
- Омукта ем цехидаги эл. мотор қуввати 75кВт бўлган юқори босим винтелятор ўрнига 37 кВт ўрта босим винтеляторга алмаштириш эвазига 59600 кВт электр энергия иқтисод қилиш;

Корхонада 2021 йил «ENERGOTEJASH» ХК ходимлари тамонидан чуқур таҳлиллар асосида энергоаудит ўтказилган. Энергоаудит натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун электр энергия нормалари белгилаб берилган.

“Қўқон дон маҳсулотлари”АЖ бир тонна ишлаб чиқарилган маҳсулотга сарф этилган электр энергия

№	Маҳсулот номи	Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги (тн)	Сарф этилган энергия миқдори (кВт)
1	ун тегирмон	1	88,0
2	Омукта ем	1	20,0
3	Элеватор	1	5.4

VI. Кўрсаткичлар

6.1. Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1. Хомашё захираси

Дон – жамият учун асосий хом-ашё деб ҳисобланади. Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган дон – Жамғарма ҳисобига жамият элеваторига ҳамда шахобчаларга қабул қилиниб, биржа савдолари орқали жамғармадан сотиб олинади ва хом-ашё захираси яратилади. Жамият «Ўздонмаҳсулот» АК томонидан берилган режа ҳамда ун маҳсулотига бўлган талабга қараб ун ишлаб чиқаради. Қолган хом-ашёлар шартномалар асосида ишлаб чиқариш заруриятига асосан келтирилади.

Корхона ғалла донини вилоятимизнинг 6 та тумани 15та класстерлари ва 366 та фермер хужаликларидан қабул қилиб олади. 2024 йилда ғалла класстерлари ҳамда фермер хўжаликлари билан жамғарма ҳисоби учун 114 950 тонна. ғалла қабул қилинади.

№	Туман номи	Қабул қилинадиган дон микдори (тн.)	Шу жумладан		
			Жамғарма хисоби учун қабул қилинадиган дон (тн)	шундан	
				Товар дон	Уруғлик
1	Бешариқ туман	21 250	19250	19250	2000
2	Бувайда туман	14 650	14650	14650	1600
3	Данғара тумани	20 250	18350	18350	1900
4	Ўзбекистон тумани	13 500	12 400	12400	1100
5	Учкуприк тумани	16 000	14600	14600	1400
6	Фуркат туман	15 500	13900	13900	1600
х	Жами	102 750	93150	93150	9600

3. 2024 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хом ашёлар


№	Харажатлар номи	Чораклар бўйича, тонна				2024 йилда, тонна	Суммаси, минг сўм
		1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак		
1.Ун ишлаб чиқариш хом ашё харажатлари							
1.	Бугдой	11500	11500	11500	11500	46000	147 200 000
2.Омихта ем ишлаб чиқариш харажатлари.							

1.	Бугдой чикинди 85%	540	540	540	540	2160	5 425 600
2.	70% бугдой чикинди	160	160	160	160	640	1 630 880
3.	50% бугдой чикинди	524	524	524	524	2096	2 576 384
4.	Арпа	80	80	80	80	320	497 360
5.	Охак тош	100	100	100	100	400	11 435
6.	Дон аралашмаси	60	60	60	60	240	612000
7.	Кепак	1411	1411	1411	1411	5644	13 228 800
	Жами:	2875	2875	2875	2875	20408	23 982 459

6.1.1. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

Жамиятда асосан 2 хил навли ун маҳсулоти, (1 нав, 2 нав,) омухта ем ҳамда уруглик дон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Жамият бугунги кунда буғдойни қайта ишлаб, хар бир тонна буғдойни қайта ишлаш натижасида қуйидаги мутаносибликда маҳсулотлар ишлаб чиқарилади:



Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, жамият хар бир тонна буғдойни қайта ишлаш натижасида 75% қисми 1-навли буғдой уни, 22% қисми

буғдой кепаци ва 3% қисми дон чиқиндиси олинади.

Жамиятда барча ишлаб чиқариш чараёнлари автоматлаштирилган техника ҳамда компютерлаштирилган механизмларда амалга оширилади. Жамиятнинг ишлаб чиқариш дастгохларининг сони, техник параметрлари ва корхона ишлаб чиқариш қуввати ҳамда маҳсулотга бўлган талабдан келиб чиқиб, суткасига ўртача 240 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга.

Ун ишлаб чиқариш учун маҳаллий буғдой хом – ашё сифатида ишлатилади. Ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарилиши 1910 йилда йўлга қўйилган. Бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳажми бир ойда 3 000 – 3500 тоннани ташкил этади. Ишлаб чиқарилаётган уннинг сифати (органолептик таркиби, намлиги, майдалаш ҳажми, кул таркиби) техник шартларига мувофиқ амалга оширилади. Тегирмон цехи маҳаллий юмшоқ буғдой навини қайта ишлашга мўлжалланган.

Унни қадоқлаш, маркалаш, транспортда ташиш ва сақлашга О`zDSt 1104:2015 техник талабларига асосан амалга оширилади. Тайёр маҳсулот бир марталик полиэтилен қоқларига қадоқланади.

Омихта ем хом-ашёсининг танқислиги туфайли асосан аралашма озуқа ишлаб чиқарилади. Омихта ем таркибига: кепак, донли хом – ашё (буғдой, маккажўхори, арпа, дон чиқиндиси), минерал хом ашё (оҳактош уни), оксил маҳсулотлари (пахта кунжараси). Барча озуқа аралашмалари таркиби кирувчи компонентлар ГОСТ ва техник шартлар билан тартибга солинган.

Омихта ем маҳсулотининг сифати амалдаги О`zDSt 3240:2017 техник шартлари бўйича тартибга солинган.

6.1.2. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

Ушбу бўлимда жорий йилдаги (кутилаётган) ва ўтган йилдаги ишлаб чиқариш қувватлари ва ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисидаги маълумот кўрсатилади, кейинги йил режасини тузишда ҳисобга олинган кўрсаткичлар (ҳисоб-китоблар) ва уларнинг асослари тушунтирилади.

“Қўқон дон маҳсулотлари” АЖнинг 2024 йил учун ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш
РЕЖАСИ

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Қувватдан фойдаланиш				Режа		Шундан				Ўсиш/ камайиш, %
				2022 й.	%	2023 й.	%	2024й.	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
I. Корхона бўйича														
1.	Ун	тонна	85875	45757	66,5	22 276	32,5	34500	40,2	8625	8625	8625	8625	70
2.	Омухта ем	тонна	40700	26167	73,4	10 099	24,8	12000	29,5	3000	3000	3000	3000	80
3	Уруғлик буғидой	тонна	12998	12998	100,0	10 816	100,0	9600	100, 0	0	0	9600	0	100,0
4	Нон	Тонна	2495	422	11,4	296	11,6	660	34,5	215	215	215	215	34,5
5	Макарон	тонна	3610	1097	11,7	576	16	900	36,5	325	325	325	325	32,5
6	Кепак	Тонна	15875	13892	87,5	9133	53,5	11060	69,6	2765	2765	2765	2765	69,6
Жами		Х		100081	71.7	53196	78,4	41 670	80,5	15655	15655	25155	16655	80,5

6.1.3. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

№	Кўрсаткичла, бажариладига н ишлар, маҳсулот номи	2022й.	2023й.	2023й.		2024й. (режа)	Ўсиш, %	Жами тушу мдаги улуши	Шу жумладан			
				режа	Қутилаёт ган				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
I. Корхона бўйича												
